

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

РАЙИМДЖОНОВА ОДИНАХОН СОДИКОВНА

**НАЗОРАТ ВА БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ УЧУН ГАЗ
ОҚИМЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ГИБРИД
ЎЗГАРТИРГИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Райимджонова Одинахон Содиковна

Назорат ва бошқариш системалари учун газ оқимларининг параметрларини
гибрид ўзгартиргичларини такомиллаштириш.....3

Райимджонова Одинахон Содиковна

Совершенствование гибридных преобразователей параметров потоков газов
для систем контроля и управления21

Rayimdjonova Odinakhon Sodikovna

Perfection of hybrid converters of parameters of gas flows for monitoring and
control systems.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

РАЙИМДЖОНОВА ОДИНАХОН СОДИКОВНА

**НАЗОРАТ ВА БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ УЧУН ГАЗ
ОҚИМЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ГИБРИД
ЎЗГАРТИРГИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (гармоқлар бўйича)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/T315 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шипулин Юрий Геннадьевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сидников Илхомжон Хакимович
техника фанлари доктори, профессор

Ўлжаев Эркин
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилиқ институту

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгаşнинг 2019 йил «27» 04 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» 04 кун тарқатилди.
(2019 йил «12» 03 даги 3 - рақамли реестр баённомаси).



Н.Р.Юсупбеков

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

У.Ф.Мамиров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иссиқлик ва шамол энергетикаси, баланд бинолар қурилиши, металлургия, нефт-газ мажмуалари, тўқимачилик, озиқ-овқат саноат, агросаноат мажмуалари каби муҳим тармоқларнинг ривожланиши билан ташқи муҳит параметрларини мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан атрофдаги ҳаво ва ишлаб чиқариш биноларини, шунингдек транспорт туннеллари ҳамда тоғ-кон шахталари ва шу қабиларнинг ифлосланганлиги ва тутун босганлигини назорат қилишни такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга шамоллатиш ва сунъий иқлим ҳосил қилиш тизимларида назорат қилиш ва бошқариш системаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда назорат қилинаётган техник объектларнинг хоссалари, турли технологик параметрлари ҳақида аниқ маълумотларни олиш, шунингдек мураккаб иқлимий ва агрессив шароитларда ишлайдиган техник агрегатларнинг ҳолатларини назорат қилиш ва бошқариш системаларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўлчов воситаларига қўйилган энг муҳим талаблардан бири ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу йўналишда, жумладан юқори аниқликдаги ўлчов-назорат воситалари, шунингдек, газ оқимларининг параметрлари ўзгартиргичларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга бошқариш ва назорат қилиш системалари учун газ оқимлари параметрларининг гибрид ўзгартиргичларини такомиллаштириш учун унинг функционал имкониятлари, ишлаш ишончилиги, юқори аниқлиги, тезкорлигини ошириш каби метрологик таъминот муаммоларини замонавий талаблар даражасида хал қилиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда саноатда инновацион технологияларни жорий қилиш, замонавий микропроцессорли техник воситаларни қўллаган ҳолда маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг юқори самарали тизимларини такомиллаштириш чора тadbирлари амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «электр энергияни ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни яратиш ва мавжудларини модернизациялаш, ... иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодий тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан оптоэлектрон ва иссиқлик элементлари асосида газ оқимлари параметрларининг гибрид ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида бажарилган тадқиқотлар натижаларига кўра газ ва суюқлик оқимларининг параметрларини назорат қилишнинг гибрид ўзгартиргичларини такомиллаштиришга кўплаб хорижлик олимлар, жумладан Р.Арей, Д.З.Беляев, В.И.Данилов, Ж.Н.Зауб, П.А.Коротков, А.М.Кудрин, А.Ф.Романченко, Г.А.Соколов ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан А.А.Азимов, Р.К.Азимов, П.Р.Исматуллаев, М.А.Мақсудов, Ю.Г.Шипулинлар ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Газ оқимларининг янги ўзгартиргичларини яратиш ҳамда уларни лойиҳалашнинг назарияси ва усулларини ривожлантириш бўйича кўплаб республикамиз ва хорижий олимлар, жумладан П.Р.Исматуллаев, А.А.Азимов, А.Ф.Романченко, Д.З.Беляев, П.А.Коротков, Ю.Г.Шипулинлар ва бошқалар кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Шу билан биргаликда, илмий-тадқиқот доирасининг кенгайтиши ва доимий мураккаблашуви техноген объектлар ҳисобланувчи очиқ ва ёпиқ газ ўтказиш қувурлари, компрессорли ва газ ҳайдаш қурилмаларидаги газ оқимларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларида газ ва суюқлик оқимлари параметрларининг иссиқлик ўзгартиргичлари, оптик толали ва ёруғлик ўтказгичлар асосидаги оптоэлектрон ўзгартиргичларни метрологик тавсифларини текшириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №ИД-5-1 – «Технологик қурилмалар ва агрегатлардаги газ конденсати, суюқ ва сочилувчан материаллар сатҳини ўлчаш, назорат қилиш ва бошқариш учун дастурланадиган интеллектуал микропроцессорли системаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2005–2006), №ИОД-4-1 – «Суюқликларнинг сарф ўлчигич ҳисоблагичлари учун микропроцессорли кўчма синов қурилмасини ишлаб чиқиш, синаш ва жорий этиш» (2012–2014), №Ф-4-57 – «Толали ва ғовак ёруғлик ўтказгичлар

асосида интеллектуал оптоэлектрон ахборот-бошқариш системаларини куришнинг назарий асослари ва тамойилларини ишлаб чиқиш» (2012–2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади назорат ва бошқариш системаларининг газ оқимлари параметрларини оптоэлектрон ва иссиқлик элементлари асосидаги гибрид ўзгартиргичларни такомиллаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оптоэлектронли ва иссиқлик элементли гибрид ўзгартиргичлар асосида газ оқимларининг параметрларини назорат қилиш ва усулларини ишлаб чиқиш;

бошланғич катталиклар ва параметрларнинг асосий тавсифларини таҳлил қилиш ва синтезлаш учун уларни олиш мақсадида гибрид ўзгартиргичларнинг ягона конструкциясига жойланган ёруғлик ўтказгич ва иссиқлик ўтказгичлардаги оптик ва иссиқлик параметрларининг тақсимланиш қонунларини тадқиқ қилиш учун ўзида алгоритмлар, моделлар ва усулларни бирлаштирувчи рационал математик аппаратни ишлаб чиқиш;

иссиқлик ва оптоэлектрон элементли гибрид ўзгартиргичларни, хатоликларини синфлаш орқали, улардаги асосий хатоликларини ҳисоблаш ва камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

статик тавсифларнинг чизиклилиги, максимал сезгирлик ва аниқлик мезонлари асосида ўзгартиргичларнинг оптоэлектрон ва иссиқлик элементларини рационал структуравий ва параметрик синтезлаш алгоритмлари ва усулларини ишлаб чиқиш;

газ оқимларининг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш системалари учун гибрид қурилмаларнинг конструкцияларини оптоэлектрон ва иссиқлик элементлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида газ оқимларининг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш системалари учун оптоэлектрон ва иссиқлик элементлари асосидаги гибрид ўзгартиргичлар синфи олинган.

Тадқиқотнинг предмети назорат ва бошқариш системалари учун газ оқимларининг параметрларини гибрид ўзгартиргичларини такомиллаштириш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида моделлаштиришнинг аналитик ва тажрибавий усуллари, иссиқлик ва оптоэлектрон ўлчаш ўзгартиргичлари назарияси, моделлаштириш ва оптималлаштириш назарияси, хатоликлар назарияси, автоматик бошқариш назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

газ оқимлари параметрларини назорат қилиш ва бошқариш системалари учун оптоэлектрон ва иссиқлик элементлари асосидаги гибрид ўзгартиргичлар ишлаб чиқилган;

газ оқимлари параметрларини гибрид ўзгартиргичларини математик модели ишлаб чиқилган;

газ оқимлари параметрларини гибрид ўзгартиргичларининг оптоэлектрон ва иссиқлик элементларини статик ва динамик характеристикаларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

газ оқимларини параметрларини гибрид ўзгартиргичларини лойиҳалаштиришда структурали ва параметрик синтез қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

термоанемометрик типдаги кўп параметрли иссиқлик ўзгартиргичларини ишлаб чиқариш технологиясининг усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

очиқ ва ёпиқ қувурли каналлар, шахталарда, туннель ва кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларида газ оқими параметрларини назорат қилувчи қурилма ишлаб чиқилган;

газ оқими параметрларининг гибрид ўзгартиргичларини тузилиш асослари ишлаб чиқилган ва натижада функционал имкониятлари кенг бўлган янги типдаги ўзгартиргичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ечими амалий қўлланилишга эга бўлган якуний натижагача олиб борилган масалаларнинг аниқ математик қўйилиши, газ оқимларининг гибрид ўзгартиргичларини миқдорий ва сифатли параметрлари мониторинги системасини ишлаб чиқилганлиги, амалиётда кўп каналли ўлчов тизимларидан фойдаланиб олинган назарий ва амалий тадқиқот натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори метрологик тавсифларга эга гибрид ўзгартиргичларни синтезлаш ва улар асосида газ оқимларининг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш тизимлари учун микропроцессорли қурилмалари бўлган янги ўлчаш қурилмаларини яратиш имконини берадиган самарали алгоритмлар ва конструктив ечимларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти берилган тавсифлар бўйича иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичларни структуравий ва параметрик лойиҳалаш асосларини ишлаб чиқилганлиги, бу эса гибрид ўзгартиргичларнинг оптимал структураларини танлашда асосий элементларнинг сезгирлиги, ишочлилиги ва тезкорлик мезонлари бўйича кенг қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Назорат ва бошқариш системалари учун газ оқимлари параметрларининг гибрид ўзгартиргичларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

атроф-муҳитдаги горизонтал шамол тезлигини ўлчовчи ва йўналишини аниқловчи қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAР 04754, 20.08.2013 й.). Натижада газ қувурларидаги газ тезлигини ўлчаш ва йўналишини аниқлаш аниқлигини 10% га ошириш имконини берган;

газ оқимларининг параметрларини кўп параметрли ўзгартиргичлар комплекти “Нақлгазмахускурилиш” АЖ нинг “Олтин водий” филиалида жорий қилинган («Ўзтрансгаз» АЖ нинг 2018 йил 10 декабрдаги ТУ-1083-сон маълумотномаси). Натижада қимматбаҳо импорт қилинувчи қурилмаларни сотиб олиш, материал манбалари, электроэнергияни тежаш ва магистрал газ қувурларидаги технологик параметрларни бошқаришнинг янги оптимал режимлари сифатини таъминлаш имконини берган;

газ ёки суюқлик оқимларининг параметрларини иссиқлик ўзгартиргичлари қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAР 05303, 03.10.2016 й.). Натижада газ ёки суюқлик оқимларининг параметрлари хароратини назорат қилиш аниқлигини 10 % га ошириш имконини берган;

термоанемометрик типдаги кўп параметрли иссиқлик ўзгартиргичларини тайёрлаш технологиясининг усуллари “Фотон” АЖ да жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АК нинг 2018 йил 1 ноябрдаги 02-2417-сон маълумотномаси). Натижада эксплуатация шароитида иссиқлик ўзгартиргич қурилмаларини ишончлилигини оширувчи янги оптимал сифатли технологик режимларни олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 1 та мақола чоп этилган, шунингдек ЎзР Интеллектуал мулк агентлигидан ихтиролар учун 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва иловалардан иборат. Диссертация материаллари 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Газлар оқимларининг параметрларини назорат қилувчи гибрид ўзгартиргичларнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари” деб номланган биринчи бобида флюгерлар учун бурчакли силжиш, газларнинг тезлиги ва иссиқлиги ўзгартиргичларини қуриш


тамойиллари тахлили ҳамда газ оқимларининг гибрид ўзгартиргичлари ривожланишининг умумий масалалари кўриб чиқилган. Толали ёруғлик ўтказгичлар асосида тайёрланган бурчак силжишнинг оптоэлектрон датчиги ва бурчак силжишнинг оптоэлектрон функционал ўзгартиргичларини ишлаш тамойиллари ва конструкциялари келтирилган.

Ишда тузилиш тамойиллари, қўлланилиш соҳалари, иш режимлари, конструктив хусусиятлари, функционал имкониятлари, замонвий микропроцессорли воситалар билан ишлашга қулайлиги ўрганилган ҳолда босимлар фарқи ўзгарувчан ва ўзгармас газ оқимларининг тезлик ва сарф ўзгартиргичлари, турбинали (механик-оптик), иссиқлик ўзгартиргичлари, колориметрик, иссиқликли чегаравий қатлам ва термоанемометрик, гидродинамик ўзгартиргичлар кўриб чиқилган. Шунингдек, оқим тезлигини аниқлаш учун анемометрларнинг механик, парракли, иссиқлик, оптик, ультратовушли турлари ҳам кўриб чиқилган. Газ сарфи ва тезлигининг турбинали ўзгартиргичларининг камчиликларига: миқдор ҳисоблагичларнинг конструкциялари, уларда ҳаракатчан элемент (турбина ротори)ни, шунингдек, сирғалувчи ва контактловчи элементларнинг мавжудлиги киради, чунки бундай элементлар ўзгартиргичнинг ишончилигини пасайтиради. Босимлар фарқи ўзгармас сарф ўлчагичлар (ротаметрлар)да босим йўқотилишининг катталиги, ностационар оқимларда қўллаб бўлмаслиги, уларни фақат вертикал ишчи ҳолатида ўрнатилиши, кўрсаткичларнинг суюқлик ва газ оқимлари қовушқоқлигига боғлиқлиги ҳисобига аниқлик пасаяди. Иссиқлик ўзгартиргичларининг камчиликлари – сарф ўлчагичлар элементларининг иссиқлик инерционлиги ва статик тавсифларнинг ночизиклиги ҳисобига динамик хатолик юзага келиши ҳисобланади. Термоанемометрик турдаги ўзгартиргичларнинг камчилигига газ оқимларининг йўналишини аниқлаш имкониятининг йўқлиги киради. Газ оқимларининг тезлиги ва сарфини гидродинамик ўзгартиргичлари камчилиги эса натижаларни назорат қилинаётган газ оқимларининг зичлиги, қовушқоқлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва электр ўтказувчанлигига боғлиқлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг «Газ оқимлар параметрларининг гибрид ўзгартиргичлари иссиқлик ва фотоқаршиликли элементларининг математик моделлари» номли иккинчи бобида иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичларнинг физик ва математик моделлари ҳамда тажрибавий тадқиқот натижалари кўриб чиқилган.


Газ оқими тезлигининг иссиқлик ўзгартиргичлари математик моделларини қуриш учун уларнинг физик моделлари вариантлари 2-расмда келтирилган.

Тезликнинг иссиқлик ўзгартиргичлари математик моделларини яратиш масалаларини ечишда уларнинг иссиқлик системаларини кириш ва чиқиш катталиклари сифатида ҳарорат T ва иссиқлик оқими Φ ишлатиладиган тўрт кутбли сифатида қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.



1-расм. Газ оқимларининг тезлик ва йўналишини гибрид ўзгартиргичларини умумлашган функционал схемаси.

V – газ оқимининг тезлиги; φ – оқим йўналишининг бурилиш бурчагини иссиқлик ўзгартиргичи; ҚЭ – қиздирувчи элемент; НМ – нурланиш манбаи; ИЭ – иссиқлик элементи; ИСЭ – иссиқлик сезувчи элемент; ОЭ₁, ОЭ₂ – оптик экранлар; ФК₁, ФК₂ – фотоқаршиликлар, МЭ₁, МЭ₂ – кучланиш манбалари; ЎС₁, ЎС₂, ЎС₃ – ўлчаш схемалари; АРЎ₁, АРЎ₂, АРЎ₃ – аналог-рақамли ўзгартиргичлар; МП – микропроцессор.



2-расм. Шамол (газ оқими)нинг тезлигини иссиқлик ўзгартиргичларининг физик моделлари:

1 – иссиқлик ўтказгич; 2 – мужассамлашган қиздирувчи элемент; 3 – иссиқлик ўтказгичнинг чегараланган соҳасидаги тақсимланган қиздирувчи элемент; 4 – иссиқлик ўтказгичнинг узунлиги бўйича тақсимланган қиздирувчи элемент.

Иссиқлик ўтказгич 1 нинг боши ($x=0$) да ҳароратни $T_{1(o,p)}$ ва иссиқлик оқимини $\Phi_1(o,p)$ билан, охири ($x=l$) да ҳароратни $T_{2(l,p)}$ ва иссиқлик оқимини $\Phi_2(l,p)$ билан белгилаймиз:

$$\begin{aligned} T_{1(o,p)} &= AT_{2(l,p)} + B\Phi_{2(l,p)}, \\ \Phi_{1(o,p)} &= CT_{2(l,p)} + D\Phi_{2(l,p)}, \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда A, B, C, D – матрица кўринишидаги иссиқлик тўрт кутблиси параметрлари:

$$\begin{vmatrix} T_{1(\sigma,p)} \\ \Phi_{1(\sigma,p)} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} A & B \\ C & D \end{vmatrix} \begin{vmatrix} T_{2(\ell,p)} \\ \Phi_{2(\ell,p)} \end{vmatrix}. \quad (2)$$

Иссиқлик ўтказгич бўйлаб ҳарорат $T_{(x,p)}$ ва иссиқлик оқими $\Phi_{(x,p)}$ нинг тақсимланишини аниқлаш учун ифода қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{vmatrix} T_{(x,p)} \\ \Phi_{(x,p)} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} A_{(x,p)} & B_{(x,p)} \\ C_{(x,p)} & D_{(x,p)} \end{vmatrix} \begin{vmatrix} T_{1(\sigma,p)} \\ \Phi_{1(\sigma,p)} \end{vmatrix}, \quad (3)$$

ифодадан фойдаланиб, иссиқлик тўрт кутблсининг параметрларини қуйидаги ифодалардан аниқлашимиз мумкин:

$$A_{(x,p)} = ch[\gamma(p), x], \quad (4)$$

$$B_{(x,p)} = -z(p)sh[\gamma(p), x], \quad (5)$$

$$C_{(x,p)} = -\frac{1}{z(p)}sh[\gamma(p), x], \quad (6)$$

$$D_{(x,p)} = ch[\gamma(p), x]. \quad (7)$$

(4), (5), (6) ва (7) ифодалардаги $\gamma(p)$ ва $z(p)$ лар қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\gamma(p) = \sqrt{r(cp + g)},$$

$$z(p) = \sqrt{\frac{r}{(cp + g)}},$$

бу ерда $g = \alpha \pi d$ – иссиқлик ўтказгичининг узунлик бирлигига тўғриланувчи солиштирма иссиқлик ўтказувчанлиги; $-\alpha$ иссиқлик ўтказгич 1 дан иссиқликни ажралиш коэффициенти; $\pi = 3,14$; d – иссиқлик ўтказгичи 1 нинг диаметри; $r = \frac{1}{\lambda F}$ иссиқлик ўтказгич 1 нинг узунлик бирлигига тўғри келувчи солиштирма иссиқлик қаршилиги; λ иссиқлик ўтказгич 1 материалининг иссиқлик ўтказувчанлиги; $S = \frac{\pi d^2}{4}$ иссиқлик ўтказгичи 1 нинг кесим юзаси; $C = \rho C_p F$ иссиқлик ўтказгич 1 нинг узунлик бирлигига мос келувчи солиштирма иссиқлик сўғими; ρ – иссиқлик ўтказгич 1 материалининг зичлиги; C_p – иссиқлик ўтказгичи 1 материалининг солиштирма иссиқлик сўғими; p – Лаплас оператори.

Содаллаштириш мақсадида параметрлар g , r ва c тенг тақсимланган ($g = const$, $r = const$ ва $c = const$) ҳамда матрицали тенглама (3) қуйидаги кўринишга эга деб ҳисобланади:

$$\begin{vmatrix} T_{(x,p)} \\ \Phi_{(x,p)} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} ch[\gamma(p)x] & -z(p)sh[\gamma(p)x] \\ -\frac{1}{z(p)}sh[\gamma(p)x] & ch[\gamma(p)x] \end{vmatrix} \begin{vmatrix} \theta_{1(\sigma,p)} \\ \Phi_{1(\sigma,p)} \end{vmatrix},$$

(4) тенгламадан қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$T_{(x,p)} = T_{l(o,p)} \operatorname{ch}[\gamma(p)x] - \Phi_{l(o,p)} z(p) \operatorname{sh}[\gamma(p)x],$$

$$\Phi_{(x,p)} = -\frac{T_{l(o,p)}}{z(p)} \operatorname{sh}[\gamma(p)x] + \Phi_{l(o,p)} \operatorname{ch}[\gamma(p)x].$$

2-расмда келтирилган иссиқлик занжири варианты (b) учун (3) тенглама асосида 3-соҳа учун ҳарорат тенгламаси келтирилган:

$$T_1(x) = T_1(0) \operatorname{ch}\gamma x + \frac{q}{g} (\ell - \operatorname{ch}\gamma x) = \left[\bar{T}_1(0) - \frac{q}{g} \right] \operatorname{ch}\gamma x + \frac{q}{g},$$


$$T_2(x) = T_2(\ell) \operatorname{ch}\gamma_2 x - z_2 \Phi_2(\ell_2) \operatorname{sh}\gamma_2 x = T_2(\ell_1) e^{-\gamma(\rho)x},$$

2-расмда келтирилган иссиқлик занжири варианты (c) учун (3) тенглама асосида ҳарорат тенгламаси қуйидагича шаклни олади.


$$T(x) = T(0) \operatorname{ch}\gamma x - \Phi(0) z \operatorname{ch}\gamma x + q(1 - \operatorname{ch}\gamma x) / g.$$

3-расмда диаметри $d=4.10^{-3}$ м бўлган мис трубкадан тайёрланган иссиқлик ўтказгичнинг узунлиги бўйлаб ҳароратнинг тақсимланиш графиклари келтирилган.

Ҳисоблаш ва тажриба маълумотларини солиштириш (5-расм) натижасида уларнинг бир-бирига яқинлиги яхши эканлигини кўрсатди, бу эса ўз навбатида математик моделларни тузиш ва ҳисоблаш услубийтларининг тўғрилигини тасдиқлади (6-расм).




3-расм. Иссиқлик ўтказгичнинг узунлиги бўйлаб $T(x)$ ни тақсимланиш графиклари.




4-расм. Оқим тезлигининг иссиқлик ўзгартиргичи параметрлари учун тажриба қурилмаси:

4-расмда ММТ-1 турдаги диаметри $d=8.10^{-3}$ м бўлган шиша трубкали термоанемометрик ўтказгичнинг тажрибавий схемаси келтирилган.


Очиқ оқимларнинг иссиқлик ўзгартиргичларини тажрибавий қурилмасида флюгернинг бурилиш стержени кўзгалмас ҳалқасимон нурланиш манбаи билан қамраб олинган бўлиб, нурланиш манбаи 90° га силжиган ҳалқага бириктирилган кўзгалмас юқори ва қуйи ярим ўтказгичли фотоқаршиликлар орасида жойлашган.



5-расм. R_{T1} ва R_{T2} термоқаршилиқларнинг ҳаво оқимининг тезлиги V га боғлиқлик графиги.



6-расм. Ҳароратлар фарқини ҳаво оқими тезлиги V га боғлиқлиги графиги; 1 – ҳисоблаш натижалари; 2 – тажриба натижалари.



7-расм. Ярим ҳалқали $R_{\Phi K1}$ ва $R_{\Phi K2}$ фотоқаршилиқлар конструкциялари: 1 – диэлектрик асос; 2 – тармоқли кўзгалмас экран; 3 – бурилиш хусусиятига эга бўлган ярим ҳалқали $R_{\Phi 1}$ ва $R_{\Phi 2}$ фотоқаршилиқлар.


Бурилиш бурчаги $\phi_0 = 0$ бўлган бошланғич ҳолатда ярим ҳалқали фотоқаршилиқлар $R_{\Phi 1}$ ва $R_{\Phi 2}$ (7-расм) оптик экран билан бир хилда ёруғлик ва соя билан таъминланади, шунинг учун кўприк схеманинг чиқишидаги умумий кучланиш $U_{ум} = 0$ бўлади ва ёруғликдаги қаршилиқ $r_{\text{фр}}$ ва соядаги қаршилиқ $r_{\text{со}}$ бўйича бурилиш бурчагига кўра солиштирма бирликка келтирилган:

$$r_{\text{фр}} = \frac{R_{\text{фр}}}{180}, \quad r_{\text{со}} = \frac{R_{\text{со}}}{180}.$$

Бурилиш бурчагининг бошланғич ҳолати $\phi_0 = 0$ да:

$$R_{\Phi K1} = r_{\text{фр}} \cdot 90 + r_{\text{со}} \cdot 90, \quad R_{\Phi K2} = r_{\text{со}} \cdot 90 + r_{\text{фр}} \cdot 90$$

Ўзгартиргич соат стрелкаси бўйлаб ϕ_0 бурчакка бурилганда, $R_{\Phi 1}$ фотоқаршилиқ оптик экран таъсирида чиқади ва унинг ёритилиш майдони ошади, $R_{\Phi 2}$ да эса камади:



8-расм. Очiq газ оқимлари параметрларининг гибрид ўзгартиргичи таркибига кирувчи ярим ҳалқали фотоқаршилиқларнинг тажрибавий тадқиқоти натижалари.

$$\Delta R_{\Phi K1} = \varphi_{\delta}(r_{ep} - r_{coa}), \quad \Delta R_{\Phi K2} = \varphi_{\delta}(r_{coa} - r_{ep}).$$

$R_{\Phi K1}$ ва $R_{\Phi K2}$ кўприкли схемага улангани учун чиқишидаги кучланиш қуйидаги ифодага келади:

$$U_{чик} = U_M \frac{2 \cdot K \cdot \varphi(r_{ep} - r_{coa})}{(K+1)^2 (r_{coa} - r_{ep}) 90},$$

бу ерда $K=R_1/R_2=R_3/R_4$ бўлувчи ёки кўприкли ўлчаш схемаларини мувозанатлаштириш коэффициентини очик газ оқимлари параметрларининг гибрид ўзгартиргичлари таркибига кирувчи ярим ҳалқали фотоқаршиликларни тажрибавий тадқиқ қилиш натижалари 8-расмда келтирилган.

Диссертациянинг “Газ оқимлари гибрид ўзгартиргичларининг иссиқлик ва оптоэлектрон элементларини асосий тавсифлари” деб номланган учинчи бобида газ оқимларининг иссиқлик ва оптоэлектрон ўзгартиргичларини статик ва динамик тавсифлари кўриб чиқилган, газ оқимларининг иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичларининг хатоликлари таҳлили ва ишончлилигини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Сезгир элемент сифатида бўлувчи ёки кўприк схемаларга уланган қаршилиқ термометрлари олинган бўлиб, уларнинг чиқиши операциян кучайтиргич киришига уланган.

Бўлувчи схемага ИЭ уланганда чиқиш кучланиши:

$$U_{чик} = U_M \frac{K}{(K+1)^2} \frac{(E_1 + E_2)}{(K+1 + KE_1 - E_2)}.$$


$K \approx 1$ ва $E_1 < 1$, $E_2 < 1$ учун қуйидаги ифода олинган:

$$U_{чик} = U_{ис} 0,25(E_1 + E_2).$$


Тўртта термоўзгартиргич элементли кўприк схемадан фойдаланилганда:

$$U_{чик} = U_{ис} \frac{K}{(K+1)^2} (E_1 + E_2 + E_3 + E_4).$$

Термоанемометрик турдаги иссиқлик ўзгартиргичи (9-расм) (ТТИЎ)нинг ўлчаш схемасига мувофиқ газ сарфини назорат қилишда қайта улагич У “а” ҳолатда турганда, чиқиш кучланиши $U_{чик}$ эса сарф G ҳақида ахборот беради. Қайта улагич “б” ҳолатда бўлганда чиқиш кучланиши оқимнинг ҳарорати ҳақида ахборот беради (10-расм).



9-расм. Газ оқимининг тезлиги ва ҳароратини назорат қилувчи ўлчаш схемаси.



10-расм. Ҳароратни газ оқимининг тезлигига боғлиқлик графиги.

Иссиклик ўтказгич асосидаги иссиқлик ўзгартиргичнинг узатиш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$W_1(p) = \frac{\theta(o, p)}{\theta(t, p)} = \frac{K_1}{T_1 p + t},$$

$$K_1 = \frac{2}{2 + \frac{\alpha \pi d}{\lambda F}} t^2, \quad T_1 = \frac{1}{\frac{2 \lambda F}{C_p P F t^2} + \frac{\alpha \pi d}{C_p P F}}.$$

Узун ($l/d > 1$) иссиқлик ўтказгичли ўзгартиргич учун вақт доимийсини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$T_1 = \frac{C_p P F}{\alpha \pi d}$$

Кўшимча қиздирувчи элементсиз ярим ўтказгичли қаршилиқ термометрли иссиқлик ўзгартиргичи учун узатиш функцияси қуйидагича ифодаланadi:

$$W_1(p) = \frac{\theta(0, p)}{q(p)} = \frac{1}{\operatorname{ch} \left[\sqrt{(C_p P_p + \alpha \pi d)} \frac{1}{\lambda F} \right] l},$$

$$W_1(p) = \frac{K_1}{T_1 p + 1},$$

$$K_1 = \frac{2}{2 + \frac{\alpha \pi d}{\lambda F}} t^2, \quad T_1 = \frac{1}{\frac{2 \lambda F}{C_p P F t^2} + \frac{\alpha \pi d}{C_p P F}}.$$

Бурчак силжишли оптоэлектрон ўзгартиргичнинг узатиш функцияси кириш катталиги ва ўзгартиргич элементини вақт ўтиши билан ўзгарганда чиқиш катталигининг ўзгаришига кўра аниқланади:

$$W_{\text{оэв}}(p) = W_{\text{нк}}(p) * W_{\text{нм}}(p) * W_{\text{yc}}(p).$$

ФСК-6 туридаги ҳалқали фотоқаршилиқнинг параметрлари қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{нк}} = \frac{R_{\text{нк}}}{C_{\text{нк}} R_{\text{нк}} P + 1}.$$

Схема тариқибига кирувчи бошқа элементларнинг инерцияси мавжуд бўлмаганида:

$$R_{\text{нк}}(\tau) = R_{\text{нк}} + \Delta R * \sin \omega \tau.$$

Юқоридаги ифодага асосланиб қуйидаги ифодаларни ёзиш мумкин:

$$C_{\text{нк}} R_{\text{нк}} \frac{dI_{\text{нк}}}{dt} + I_{\text{нк}} = K (I_{\text{нк}} + \Delta I_{\text{нк}} * \sin \omega \tau),$$

$$I_{\text{нк}}(\tau) = I_{\text{нк}} + \frac{\Delta I_{\text{нк}}}{\sqrt{1 + T^2 \omega^2}} * \sin(\omega \tau - \varphi). \quad (8)$$

(8) ифодадан кўриниб турибдики, нурланиш манбаининг инерцияси ҳисобига ҳалқали фотоқаршилиқ оғиш бурчагининг тебраниши натижасида чиқиш токи $\Delta I_{\text{нк}}$ амплитудаси $\sqrt{1 + T^2 \omega^2}$ қийматга камайиши ва фаза бўйича ω га силжиши келиб чиқади.

Термоанемометрик турдаги иссиқлик ўзгартиргичининг ишончилигини таҳлил қилишда сезгирлик S нинг эҳтимоллиги $P(S)$ мумкин бўлган чегарада ётади ва у қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$P(S) = \frac{1}{\sigma_S \sqrt{2\pi}} \int_{S-\Delta S}^{S+\Delta S} e^{-\frac{(S-\Delta S)}{2\sigma_S^2}} ds = \Phi(S_2) - \Phi(S_1),$$

$$S = f(P_{\text{ТОН}}, U_M, K_M, \alpha_{\text{ОН}}).$$

$$\sigma_S^2 = \sigma_{P_{\text{ТОН}}}^2 + \left(\frac{\sigma_S}{\sigma_{P_{\text{ТОН}}}} \right)_{P_{\text{ТОН}}=P_{\text{ТОН}}}^2 + \sigma_{U_M}^2 + \left(\frac{\sigma_S}{\sigma_{U_M}} \right)_{U_M=U_M}^2 + \sigma_K^2 \left(\frac{\sigma_S}{\sigma_K} \right)_{K=K_s}^2 + \left(\frac{\sigma_S}{\sigma_{\alpha_0}} \right)_{\alpha_0=\Delta\alpha_0}^2.$$

Термоанемометрик турдаги иссиқлик ўзгартиргичининг тўла ишончилиги:

$$P_{\text{ТК}} = P_{\text{ХАЛ}} \cdot P_{\text{ПАР}} = 0,9989 \cdot 0,9611 = 0,96.$$

Оптоэлектрон ўзгартиргичининг тўла ишончилиги:

$$P_{\text{ФК}} = P_{\text{ХАЛ}} \cdot P_{\text{ПАР}} = 0,9989 \cdot 0,9711 = 0,97.$$

Бир вақтнинг ўзида аддитив ва мультипликатив ташкил этувчилар бўлганда хатолик қуйидаги ифодадан аниқланади: $\Delta P = 2\Delta 0 + 2\gamma_{\text{КХ}}$.

Термоанемометрик турдаги иссиқлик ўзгартиргичининг аниқлиги қуйидаги нисбатдан аниқланган: $A = \frac{x}{d} = \frac{x}{2\Delta_a} = \frac{1}{2\gamma}$, бу ерда x – назорат қилинаётган катталиқнинг жорий қиймати; d – x қийматига мос келувчи ноаниқлик соҳаси; Δ_a – энтропияли мутлақ хатолик; γ – энтропияли нисбий хатолик.

Иссиқликни сезувчи элемент хатолиги тақсимланиш қонунининг энтропияли коэффиценти $K_{\text{ИСЭ}} = 2,07$ бўлган меъёрий деб қабул қилинган.

Бундан ўртача квадратик оғиш: $\sigma_{\text{ИС}} = \frac{\gamma_{\text{ИС}}}{K_{\text{ИС}}} = \frac{0,2}{2,07} = 0,097\%$.

Ўлчаш схемаси учун: $\sigma_{\text{КС}} = \frac{0,1}{2,07} = 0,048\%$.

Асбобнинг аддитив хатолиги қуйидагини ташкил этади:

$$\sigma = \sqrt{\sigma_{\text{ИС}}^2 + \sigma_{\text{КС}}^2 + \sigma_{\text{ПС}}^2} = \sqrt{0,097^2 + 0,048^2 + 0,21^2} = 0,236\%.$$

Асбоб шкаласининг охиридаги хатоликнинг энтропияли қийматлари қуйидагича аниқланган:

















$$\text{ТТИЎ учун} \quad \gamma_{\text{К}} = K_{\text{К}} \cdot \sigma_{\text{К}} = 2,07 \cdot 0,38 = 0,79\%,$$

$$\text{ОЭЎ учун} \quad \gamma_{\text{К}} = K_{\text{К}} \cdot \sigma_{\text{К}} = 2,07 \cdot 0,37 = 0,76\%.$$

Диссертациянинг «Газ оқимларини назорат қилиш ва бошқариш тизимлари учун гибрид ўзгартиргичларни лойиҳалаш ва уларнинг амалий қўлланилиши» номли тўртинчи бобда гибрид ўзгартиргичларнинг оптимал структураларини танлашнинг икки босқичда ўзгартиргичнинг оптимал структураларини танлаш ҳамда оптимал параметрларини танлашдан

иборат бўлган услубияти келтирилган. Структураларни қидириш ва танлашнинг автоматлаштирилган системаси (СТКС) ишлаб чиқилган бўлиб, элементларнинг вариантлари тўпламини яратиш ва ушбу тўпландан сезгирлик, нарх, ишончлилик, хатолик, ночизиклилик, кириш бўйича диапазони, қувватни йўқотилиши, тезкорлик, тежамкорлик ва вазн каби мезонлар бўйича ўзгартиргичларнинг оптимал структураларини танлаш имконини беради. ТТИЎ элементларининг морфологик тузилиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Иссиқлик ўтказгичнинг шакли	Иссиқликни сезувчи элементнинг шакли	Ўлчаш схемаларининг турлари	Иссиқлик манбаининг шакли
1.1 	2.1 	3.1 	4.1 
1.2 	2.2 	3.2 	4.2 
1.3 	2.3 	3.3 	4.3 
1.4 	2.4 	3.4 	4.4 

Оптимал параметрик лойиҳалашда умумий ҳолда ТТИЎ нинг параметрлари ҳисобланган оптимал $D_{0\text{opt}}, D_{1\text{opt}}, P_{1\text{opt}}, P_{2\text{opt}}, L_{1\text{opt}}$ лар топилиши талаб этилади.

$$\bar{a} = \{a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_6, \dots, a_n\}.$$

Оптималлик мезони $I(\bar{a})$ нинг оптимал қийматлари: $I(\bar{a}) = \text{opt } I(\bar{a}), \bar{a} \in D\bar{a}$, бу ерда $\text{opt } I(\bar{a}) - I(\bar{a})$ нинг оптимал қиймати; $D\bar{a}$ – мумкин бўлган ечимлар соҳаси; баъзида қидириш соҳаси Π ни қуйидагича белгилаш мумкин:

$$\Pi\{\bar{a} : b_i \leq a_i \leq c_i, i = \overline{1, n}\}$$

бу ерда b ва $c - a$ нингминимал ва максимал қийматлари.

Сезгирлик ва статик тавсифларнинг чизиклилиги мезонлари бўйича асбобларни лойиҳалашда параметрларнинг оптимал вектори $\bar{a}(\bar{y}) \in D\bar{a}$ топилади:

$$I[\bar{a}(\bar{y})] = \text{opt } I[\bar{a}(\bar{y})X_{\text{нр}}],$$

$$D\bar{a} = \{\bar{a} : b_i \leq a_i \leq c_i, a_i \geq 0, i = \overline{1, n}\}.$$

Статик тавсифларнинг чизиклигини ошириш учун ўзгартиргичларнинг чизикли боғланган реал тавсифларини силликлантиришдан фойдаланилган: $U_{\text{чек}} = AX_{\text{ксп}} + B$.

Функциялар яқинлигининг квадратли интеграл мезонидан фойдаланиб, қуйидаги ифодалар олинган:

$$\text{Мин} I = \int_{X_{\text{кспмин}}}^{X_{\text{кспмакс}}} \{U_{\text{чек}}(X_{\text{ксп}}) - A * X_{\text{ксп}} - B\} dX_{\text{ксп}},$$


$$\text{Мин} I = \int_{X_{\text{кспмин}}}^{X_{\text{кспмакс}}} \{f(X_{\text{ксп}}, \bar{a}(\bar{y})) - A * X_{\text{ксп}} - B\} dX_{\text{ксп}}.$$

Масаланинг ечими қуйидаги натижага олиб келди:


$$A = A[X_{\text{ксп}}, \bar{a}(\bar{y})]; B = B[X_{\text{ксп}}, \bar{a}(\bar{y})], \bar{a} \in D\bar{a}.$$

Сезгирликни ошириш масалаларини ечиш учун $\text{Max} A[X_{\text{ксп}}, \bar{a}]$, $X_{\text{ксп}} \in X_{\text{кспмин}} * X_{\text{кспмакс}}$ ни таъминлайдиган $a(y) = \bar{a}(y)$ векторнинг оптимал қийматини аниқлаймиз.

11-расмда газ оқими тезлиги ва йўналишини ўлчовчи гибрид ўзгартиргичнинг конструктив тузилиши келтирилган, 12-расмда қурилманинг ўлчаш схемаси берилган.



11-расм. Газ оқими тезлиги ва йўналишини ўлчовчи гибрид ўзгартиргичнинг конструктив тузилиши.



12-расм. Қурилманинг уч кўприкли ўлчаш схемаси.

ХУЛОСА

Диссертация ишида газ оқимлари параметрларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш асосида қуйидаги илмий натижалар олинган:

1. Очик ва ёпиқ ўтказиш қувурларидаги газ оқимларининг турли параметрларини назорат қилиш учун термоанемометрик ва фотоқаршиликли элементлар асосида гибрид ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишнинг зарурлиги асосланган бўлиб, ўзгартиргичларнинг қурилиш тамойилларини таҳлил қилиш, асосий элементлари бўйича уларни тизимлаштириш, шунингдек газ оқимларининг параметрларини назорат қилиш учун янги ўзгартиргичларни яратишда улардан фойдаланиш имконини беради.

2. Иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичларнинг статик, динамик, сезgirлик, ночизиқлилик ва ўзгартириш диапазони каби асосий тавсифлари тадқиқ қилинган. Иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичлар хатоликларининг ҳисоби ва таҳлили ўтказилган бўлиб, Δ , энтропияли хатолик 1 % дан ошмаслиги кўрсатилган.

3. Стерженли иссиқлик ўтказгичлар тадқиқ қилинган бўлиб, иссиқликли тўрткүтбллар назариясидан фойдаланиб, газ оқимларининг турли тезликларида ҳарорат ва иссиқлик оқимларининг тақсимланиш омилларини боғловчи тенгламалардан математик моделлар тузилган. Тажрибавий тадқиқотлар ишлаб чиқилган математик моделларнинг монандлигини кўрсатади, чунки назарий ва тажрибавий тадқиқот натижалари ўртасидаги фарқ 8-10 % дан ошмайди.

4. Гибрид ўзгартиргичларнинг элементлари конструкциялари ва ўлчаш схемалари тадқиқ қилинган бўлиб, термоанемометрик турдаги иссиқлик ўзгартиргичларининг динамик тавсифларини таҳлил қилиш имконини беради.

5. Иссиқлик ва фотоқаршиликли ўзгартиргичларни структуравий-параметрик лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқилган. Гибрид ўзгартиргичларнинг оптимал структураларини танлаш учун асосий элементларнинг морфологик жадвали ва параметрик лойиҳалаш услубияти тақлиф этилган бўлиб, сезgirлик, чизиқлилик ва тезкорлик мезонлари бўйича ушбу синфдаги ўзгартиргичларнинг статик ва динамик тавсифларини оптималлаштириш имконини беради.

6. Иссиқлик ва фотоқаршиликли элементлар асосидаги гибрид ўзгартиргичларнинг ишлаб чиқилган математик моделлари, ўзгартиргичларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш усуллари газ оқимларининг параметрларини кўп параметрли гибрид ўзгартиргичларини яратиш имконини беради. Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида очик ва ёпиқ ўтказиш қувурли оқимлар учун микропроцессорли гибрид ўзгартиргичлар мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, “Фотон” АЖ ҳамда “Наклгазмахусуқурилиш” АЖ нинг “Олтин водий” Фарғона филиали ишлаб чиқаришларида жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017 Т.03.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ФЕРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

РАЙИМДЖОНОВА ОДИНАХОН СОДИКОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИБРИДНЫХ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ
ПАРАМЕТРОВ ПОТОКОВ ГАЗОВ ДЛЯ СИСТЕМ КОНТРОЛЯ И
УПРАВЛЕНИЯ**

05.03.01 – Приборы. Методы измерения и контроля (по отраслям)

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Г315.

Диссертация выполнена в Ферганском филиале Ташкентского университета информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице www.tdtu.uz и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Шипулин Юрий Геннадьевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сиддиқов Илхомжон Хакимович
доктор технических наук, профессор

Улжаев Эркинжон
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится 27 04 2019 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №25 Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел./факс: (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан 12 04 2019 года.

(реестр протокола рассылки № 3 от 16 03 2019 года).



Н.Р.Юсупбеков

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,

доктор технических наук, профессор, академик

У.Ф.Мамиров

учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,

доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,

доктор технических наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире для развития таких важных отраслей промышленности, тепло и ветроэнергетика, строительство высотных зданий, металлургия, нефтегазовые, текстильная промышленность, пищевое производство и агропромышленные комплексы требуется уделять важное значения решению проблемы мониторинга параметров внешней среды. В связи с этим, важное значение имеет контроль задымленности, загрязнения окружающей среды и производственных помещений, а также на объектах транспортных туннелей и горно-рудных шахтах и др. В месте с этим разработка системы контроля и управления вентиляцией и кондиционированием являются важными задачами.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на получение точных сведений о различных параметрах и свойствах контролируемых объектов, а также на разработку систем контроля и управления состоянием технических агрегатов, работающих в сложных климатических и агрессивных условиях. Одним из основных требований, предъявляемым к измерительным средствам, является обеспечение единства измерений, в связи с этим особое значение уделяется совершенствованию преобразователей параметров потоков газов и жидкостей. Одновременно для управления и контроля параметрами газовых потоков необходимо использовать преобразователи с широкими функциональными возможностями, высокой надежностью, точностью, быстродействием и отвечающим жестким требованиям, предъявляемым со стороны технологических объектов к их метрологическим характеристикам.

В Республике осуществляются внедрению инновационных технологий в промышленность, реализации высокоэффективных систем контроля и управления качеством продукции с применением современных технических средств-микропроцессоров. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республика Узбекистан в 2017-2021 гг. отмечены задачи, а именно: «создание новых мощностей по производству электрической энергии и модернизация существующих, ...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, внедрение в систему управления информационно-коммуникационных технологий¹. Для реализации этих злободневных задач контроля параметров потока воздуха и газов, внешней среды и состояния техногенных объектов весьма перспективны гибридные преобразователи на основе оптоэлектронных и тепловых элементов, установленных в виде прибора на одной несущей конструкции. В связи с этим разработка гибридных преобразователей параметров потоков газов на основе оптоэлектронных и тепловых элементов отличается особой актуальностью.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3682 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов” от 27 апреля 2018 года, а также других нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан по программам: IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По результатам мировых исследований тепловыми преобразователями параметров потоков газов и жидкостей. Большой вклад в совершенствование гибридных преобразователей контроля параметров потоков газов внесли зарубежные ученые Р.Арей, Д.З.Беляев, В.И.Данилов, Ж.Н.Зауб, П.А.Коротков, А.М.Кудрин, А.Ф.Романченко, Г.А.Соколов, а также отечественные ученые А.А.Азимов, Р.К.Азимов, П.Р.Исматуллаев, М.А.Максудов, Ю.Г.Шипулин и др.

Весомый вклад внесли республиканские и зарубежные ученые П.Р.Исматуллаев, А.А.Азимов, А.Ф.Романченко, Д.З.Беляев, П.А.Коротков, Ю.Г.Шипулин по созданию новых преобразователей потоков газа, а также развитие теории и методов их проектирования.

